

## Қосос сураси, 76-77-оятлар



11:22 / 15.09.2017 10915

**76. Албатта, Қорун Мусо қавмидан бўлиб, уларга такаббурлик қилди. Биз унга калитлари бир гуруҳ қувватлиларга ҳам оғирлик қиладиган хазиналарни берган эдик. Ўшанда қавми унга дедилар: «Ҳовлиқма, албатта, Аллоҳ ҳовлиққанларни суймас.**

**77. Ва Аллоҳ сенга берган нарса билан охиратни изла, бу дунёдаги насибангни ҳам унутма. Аллоҳ сенга яхшилик қилганидек, сен ҳам яхшилик қил. Ер юзида бузғунчиликни истама. Албатта, Аллоҳ бузғунчиларни суймас».**

*Қосос сураси, 76-77 оятлар*

**Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф**

*Тафсири Ҳилол китобидан*